Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 285 (6. 176) 1986 йил 13 декабрь, шанба. Баҳоси 3 тийин




## ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

**Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Сергей Зинчук бошчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 6-қурилиш бошқармаси коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада бир неча йиллардан бери пешқадамлик қилиб келади. Бригадада 26 киши меҳнат қилади. Қурувчиларнинг ҳаммаси турдош касбларни ўзлаштириб олишган. Бу иш вақтидан унумли фойдаланишда қўл келмоқда. Бригада пудрати методи асосида меҳнат қилаётган коллектив Юнусобод массивида 64 квартирали янги бино қурилишини ниҳоясига етказиш арафасида турибди. Шу кунларда объектда «Отделстрой» трестига қарашли 46-қурилиш бошқармаси пардозчилари иш олиб боришмоқда.**

**Сергей Зинчук бошчилик қилаётган бригаданинг бир қисми эса кун-кеча шаҳримизнинг 2-Шимолий-Шарқ массивида кўп қаватли бино пойдевори қурилишини бошлаб юборди.**

**Янги объектда самарали меҳнат қилаётган қурувчилардан Н. Антропов, Р. Галин, М. Бобоназаровлар ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Ҳозир бу бунёдкорлар 1987 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилишяпти. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план-топшириқларини бажаришга аҳд қилган бригада коллективи шу йил охиригача пландан ташқари 9 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга бел боғлаган.**

## ЗАРБДОР СУРЪАТ

Шаҳримиз кўчаларида янги такси машиналари кўпайиб қолди. Шулардан 16 таси «Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли экспериментал ишлаб чиқариш корхонасига қарашли. Бу «ГАЗ 24—117» маркали янги машиналар газ билан юради. Бугунги кунда корхонада газ билан юрадиган машиналар сони 500 тага етди. Бензин билан юрадиган яна 200 та такси яқин ойларда газ билан юргазишга ўтказилади.

Газ билан юрадиган ҳар бир ана шундай машина бир йилда 620 сўм фойда беради. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида корхона коллективи фақат шу тадбир туфайли анчагина маблағни иқтисод қилди. Йиллик планни 26 декабрда бажаришга аҳд қилган экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонаси ишчилари пландан ташқари 210 минг сўмлик хизмат кўрсатиш ниятида. Ҳайдовчилардан Х. Эрматов, Г. Соченко, В. Кагозин ва бошқалар фидокорона меҳнатлари билан касбдошларига ўрнак бўлишмоқда.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг 11 декабрда бўлиб ўтган мажлисида партия XXVII съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ социалистик корхона (бирлашма) тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаш юзасидан ишларнинг боришини муҳокама қилди. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ана шундай Қонуннинг қабул қилиниши бошқарув системасини чуқур қайта қуришни амалга оширишда, унинг демократик негизларини ҳар томонлама ривожлантиришда, меҳнат коллективларининг социалистик омилкорлиги ва масъулиятини оширишда, инсон омилини активлаштиришда алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қонун лойиҳасида корхоналар ва бирлашмалар хўжалик мустақиллигини, бошқарувнинг иқтисодий методларини кенг қўлланишни, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни, корхоналарнинг юқори министрликлар ва идоралар, план, молия ва бошқа бошқарув органлари билан, халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан муносабатларининг принципларини белгилаб қўйиш мўлжалланмоқда. Меҳнат коллективларининг активлигини оширишга, уларга Конституцияда ва СССР қонунларида бериб қўйилган ҳуқуқларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилади.

Қонун лойиҳасида меҳнат коллективларини социал ривожлантириш, уларнинг ўзини ўзи бошқариш масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Социалистик корхона тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлашнинг асосий йўналишларини маъқуллаб, Сиёсий бюро бу ишни давом эттиришни мақсадга мувофиқ деб топди. Бунда мазкур Қонун совет жамиятининг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришдан иборат партия йўлини амалга оширишда принципиал аҳамиятга эгалиги назарда тутилиши керак.

Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш ишларининг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, Сиёсий бюро кўпгина меҳнат коллективлари ва Совет Армияси жангчиларининг фидокорона куч-ғайратлари, партия ва совет органлари, министрликлар ва идораларнинг катта ташкилотчилик ва сиёсий иши натижасида бу ишларнинг муҳим босқичи якунланганлигини таъкидлади. Шикастланган блокнинг ҳимоя иншоотларини, шунингдек электростанциянинг биринчи ва иккинчи энергетика агрегатларини фойдаланишга топшириш таъминланди. Бу масала хусусида матбуотда батафсил ахборот эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг чорвачиликда наслчилик ишини ташкил этишни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда чорва ва парранданинг маҳсулдорлик сифатларини янада ошириш, янги сермаҳсул наслларни яратиш, наслчилик заводлари, хўжаликлар ва фермалар тармоғини кенгайтириш ва уларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш юзасидан ишлар программасини амалга ошириш белгиланди.

Бу программани амалга оширишда озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, генетика, селекция ва биотехнологиянинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Маҳаллий совет ва хўжалик органларига наслчилик иши юзасидан илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари яратиш практикасини кенгайтириш ва бу бирлашмалар составига тегишли илмий муассасалар, селекция марказлари, наслчилик хўжаликлари ва бошқа корхоналарни киритиш практикасини кенгайтириш тавсия этилди.

Сиёсий бюро Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президиуми Раиси М. Реновица бошчилигидаги ЮКС делегациясининг КПСС делегацияси билан музокаралари тўғрисида ўртоқ М. С. Горбачевнинг ахборотини тинглади. Иккала партия ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашда бу музокараларнинг катта аҳамияти таъкидланди. Совет—Югославия муносабатларини янада барқарор ривожлантириш учун, уларни замонавий формалар билан бойитиш учун, Совет Иттифоқи билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ядросиз дунё учун, инсоният олдида турган бошқа жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш учун курашдаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш йўлида сиёсий шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Эришилган аҳдлашувларни ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ташкилотлар ва идораларга конкрет топшириқлар берди.

Совет раҳбарларининг Норвегия Бош министри, Норвегия ишчи партияси Раиси Г. Харлем Брундланд билан суҳбатлари якуни кўриб чиқилди. Суҳбат чоғида қуролсизланиш ва Европа хавфсизлигининг энг актуал проблемалари, шунингдек табиий муҳитни муҳофаза этиш масалаларида анчагина ҳамжиҳатлик борлиги аён бўлди, деб таъкидланди. СССР билан Норвегия ўртасида анъанавий яхши қўшничилик муносабатлари ва ўзаро ишончни ривожлантиришга ҳамда КПСС билан Норвегия ишчи партияси ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга интилиш тасдиқланди.

Ўртоқ В. П. Никоновнинг ГДРга сафари натижалари ҳақидаги ахбороти тингланди, бу сафар икки мамлакат агросаноат комплекслари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида, шунингдек, мамлакат ички ҳаётининг баъзи бошқа масалалари, Коммунистик партия ва Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг баъзи бошқа масалалари ҳам муҳокама қилинди.

## Замондошимиз



## ОЛДИНГИ САФДА

**«Меҳнат қилган элда азиз» дейди доно халқимиз. Асрлар оша неча бор синовлардан ўтиб, жуда кўп марта ҳаётда исботланган бу нақл мудом ҳаётимиз кўзгусидир. Табиатан меҳнатсевар бўлган Абдужаббор Каримов ҳалол меҳнати билан ҳамкасблари, коллектив ҳурматига, эъзозига сазовор бўлди. Бу — чарм-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ўн йиллик ҳалол меҳнатнинг самарасидир.**

**Абдужаббор Каримов бирлашманинг моҳир андазачиларидан бири. У жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этади. Илғор ишчи цех касаба союз комитети раиси, «Закройшчик» деворий газетасининг аъзоси сифатида актив фаолият кўрсатмоқда.**

**Бирлашма коллективи айни пайтда йиллик пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун социалистик мусобақани авж олдирган. Кундалик топшириқларни 1,5-2 ҳисса адо этаётган Абдужаббор бунда байроқдорлик қилмоқда.**

**— КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси мамлакатимизнинг барча кишилари қатори бизни ҳам янги марралар сари илҳомлантириб юборди, — дейди А. Каримов. — Айниқса, Мурожаатномадаги «КПСС Марказий Комитети барча коммунистларни мусобақадошларнинг биринчи сафларида бўлишига, шахсан намуна кўрсатиб, одамларни беш йиллик вазифаларини бажаришга руҳлантиришга чақиради. Шундай қилиш ҳар бр партия аъзосининг бурчи ва вазифасидир» деган сўзлар биз коммунистлар ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшмоқда. Мамлакатимиз солномасидаги тарихий воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз.**

**СУРАТДА: КПСС аъзоси А. Каримов.**

**М. Нуриддинов фотоси.**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ СЕССИЯСИ

Бугун Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Депутатлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1986 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масалани ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Советларнинг вазифаларини муҳокама қилдилар.

**(Сессия иши ҳақидаги батафсил ҳисобот газетада эълон қилинади).**

# ПОЙТАХТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**Бизнинг интервью**

**Бугун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти «Полиграфист» маданият саройида Ўзбекистон журналистлари союзи Тошкент ташкилотининг бешинчи ҳисобот-сайлов конференцияси бўлди. Унинг қатнашчилари — журналистлар, радио ва телевидение ходимлари, матбаачилардир.**

**Конференция делегатлари мухбирларимиз билан бўлган суҳбатда КПСС XXVII съездининг тарихий қарорлари асосида кўп нусхали газеталар журналистларининг вазифалари, ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалар ҳақида фикр юритдилар.**

### *Ижодий алоқалар*

**О. ИВАНЧУК, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Тракторостроитель» кўп нусхали газетаси редактори.**

— Газетамизнинг асосий ўқувчилари — бирлашма меҳнатчиларидир. Шунинг учун ҳам корхонанинг ҳаёти ва фаолияти, ишлаб чиқариш омиллари билими — редакция журналистларининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан бирга энг яхши пировард натижаларга эришиш учун социалистик мусобақани авж олдирган бирлашмамиз коллективининг ташаббусини маъқуллади. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Газета бу воқеалар билан бирга ишлаб чиқариш ва технология интизоми, тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати масалаларини кенг ёритишга ҳаракат қилмоқда.

Бу йил редакциянинг иши корхона партия комитети мажлисида тингланди. Унда йўл қўйилган камчиликлар, мақолаларнинг таъсирчанлиги ҳақида гапирилди.

Кўп нусхали газета редакциясида етти йилдан буён ишлаётирман. Газета ходими бўлганимда ва ҳозирда редактор бўлганимдан кейин ҳам биз учун бирор марта семинар ўтказилганлигини билмайман. Биз Журналистлар союзи ўтказаётган конкурсларда қатнашмоқдамиз.

Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг активи йиғилишида КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми талаблари асосида идеология ишларини қайта қуришни таъминлаш бўйича вазифалар тўғрисида гапирилди. Қайта қуришни биринчи навбатда ҳар ким ўзидан ва ўз коллективидан бошламоғи керак. Бу масалада эса биз журналистлар учун республика журналистлар союзининг Тошкент ташкилоти биринчи ёрдамчи бўлмоғи керак.

### *Шароит яратилмагач...*

**Ф. Абдураҳимов, «Мотор» кўп нусхали газета редактори.**

«Мотор» газетаси Тошкент трамвай ва троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг органи бўлиб, у мана 58 йилдан буён ўзбек ва рус тилларида нашр этилмоқда. Газета саҳифаларида социалистик мусобақанинг боришини ёритамиз, қайта қуришлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари ҳақида ёзамиз, ичқиликбозлар ва меҳнатсиз даромад билан кун кўрувчиларга қарши кураш олиб борамиз. Газета саҳифаларида «Ишчи ҳаёти», «Меҳнат ветерани», «Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?», «Пассажирнинг минбари» рубрикалари остида материаллар бериляпти. КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари қарорларини оғишмай амалга ошира бориб биз шу куннинг талабларига баркамол жавоб бера оладиган мақолаларни тайёрлашга интиляпмиз. Бироқ кичик ижодий коллективимиз айрим машаққатларга дуч келмоқда.

Бундан 20 йил муқаддам газетамиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётида чоп этилар эди. Шундан кейин вақтинча учинчи босмахона ихтиёрига ўтказилди. Редакциямизни Тошкент область нашриётлар, полиграфия ва китоб ишлари савдоси бошқармасига бириктириб қўйишди. Ўтган йили Ўрта Чирчиқ район босмахонасида газетамизни сонларини тайёрладик. Сарсон-саргардонлигимиз тўғрисида ўтган йили «Тошкент оқшоми» газетасида танқидий мақола босилгандан кейин, бизни Чирчиқ шаҳар босмахонасига ўтказиб юборишди. Яна машаққатларга учрадик. Шунча вақтдан буён Тошкентдаги босмахонлардан ўзимизга жой излаяпмиз. Яна қанча «саёҳат» қилиш мумкин.

Трамвай ва троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг на партия комитети, на касаба союз комитети ўз газетасининг ходимларига ёрдам бермайди. Журналистларимизнинг арзимаган ёзув машинкаси ҳам қўлимизда йўқ.

**Ягона сиёсий кун**

## КУН ТАРТИБИДА—АТЕИСТИК ТАРБИЯ

Кеча Тошкент шаҳрининг меҳнат коллективларида, таълим-тарбия муассасаларида ягона сиёсий кун бўлиб ўтди. «Аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш замон талаблари даражасида бўлсин» мавзуига бағишланган бу сиёсий кун шаҳар партия ташкилоти активининг куни-кеча бўлиб ўтган «Шаҳар партия ташкилотининг КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми талаблари асосида идеология ишини қайта қуришни таъминлаш соҳасидаги вазифалари» мавзуида ўтган йиғилишига ҳамоҳанг бўлди.

Жумладан, йиғилишда айниқса яшаш жойларида аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш ўта қониқарсиз олиб борилаётгани, кўпгина маҳалла комитетларининг раислари дин билан муроса қилиб келишаётгани, бунинг устига уларнинг бир қисми диний маросимларни ўтказишда ўзлари ҳам фаол иштирок этишаётгани конкрет мисоллар билан айтиб ўтилди. Хўш, ишнинг аҳволи шу даражага бориб етгани ҳаммани ташвишлантиряптими? Ҳа, албатта, ташвишлантиряпти.

Ягона сиёсий кун мобайнида қандай қилиб атеистик тарбия ишларини пухта йўлга қўйиш, ҳозирги пайтда идеология ишида диний кайфиятларга, реакцион ислом ҳужумига қарши муросасиз кураш олиб бориш, бу борада партия ташкилотларининг, ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ходимининг атеистик ишга бошчилик қилиши, хуллас динга қарши ҳужумкор пропаганда олиб бориш зарурлиги тўғрисида конкрет таклифлар айтилди, тадбирлар белгиланди.

## САНЪАТГА БАХШИДА УМР

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида Ўзбекистон театрларида «Октябрь билан йўғрилган ижод» шиори остидаги кечалар туркуми ўтказилади. Ана шундай кечалардан бири Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театрида ўтказилди.

Кеча қатнашчилари ўз умрининг эллик йилини театр санъатига хизмат қилишга бағишлаган Ўзбекистон ССР Халқ артисти Маҳмуджон Ғафуровни шарафладилар. У ярим аср давомида икки юзга яқин роль ижро этди. Артистнинг ижоди республика театр санъати тарихидаги муҳим босқичлар билан чамбарчас боғланган. Ҳозир эса 70 ёшли саҳна ветерани ўз коллективида бир гуруҳ ёш артистларни оталиққа олиб, завод цехларида, қурилиш майдонларида, колхоз ва совхозларда тез-тез бўлиб туради.

Ижодий кечада артист томошабинларга айниқса манзур бўлган спектакллардан парчалар намойиш этди.

(ЎзТАГ).

**Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун**

# ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА





Охирги йилларда Сергели районида кўплаб турар жой бинолари қад кўтармоқда. Бири-биридан кўркам кўп қаватли уйларда юзлаб ҳамшаҳарларимиз уй тўйларини ўтказишмоқда. Район аҳолисига янада қулайлик яратиш мақсадида ўтган чоршанба куни «Сергели» универсами харидорлар хизматига топширилди. «Хизмат-беминнат» фирмасига қарашли бу савдо шахобчаси залининг кенглиги жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Унда харидорлар ва сотувчилар учун барча қулайликлар мавжуд.

—Савдо зали 1600 квадрат метрни ташкил этади, — деди биз билан суҳбатда «Узоргтехстрой» тресги бошлиғи Ю. Никифоров. Объектни икки йил ичида қуриб битказдик. С.Маҳмудов, С.Сазийкин, Р.Халиулин бошлиқ бригадаларнинг азаматлари графикдан ўзган ҳолда ишлашди.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган универсамдан озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда уй-рўзғор учун керакли буюмларни, фарзандларингиз учун ҳар хил ўйинчоқларни ҳам харид қилишингиз мумкин. Кенг савдо залида ўтириб шарбат ичишингиз, кондитер маҳсулотларидан тановул қилишингиз мумкин.

— Универсамнинг шаҳримиздаги бошқа савдо шахобчаларидан фарқи нимада? — сўраймиз «Хизмат-беминнат» фирмасининг директори М. Мираюповдан.

— Бу ердаги жиҳозларнинг ҳаммаси — маҳсулот сақланадиган холодильникдан тортиб уни ташийдиган контейнерларгача замонавий. Бу жиҳозлар Венгрия ва Югославия фирмаларида тайёрланган. Бу иш вақтини тежаш билан бирга қатор қулайликлар яратади.

Илгари шиша идишлардаги сув ва шарбатлар, банкалардаги майонез ёки ҳар хил салатлар яшикларда ташилган бўлса эндиликда махсус гидравлик «Рокло» аравачаларда тўғри харидорлар хизматига чиқарилади. Ҳозир ана шундай қулай контейнерлардан 400 таси бор. 19 та касса харидорлар хизматида.

Савдо залига бирин-кетин кириб келаётганларнинг кети узилмайди. Универсам ҳозирча бир кунда аҳолига ўн минг сўмлик хизмат кўрсатяпти.

Биз харидорлар билан суҳбатлашамиз.

— Ишхонам кўчанинг нариги бетида, — дейди ошхона буюмлари ва бошқа мебеллар заводининг ишчиси Ф. Лутфуллаева. — Бу магазиннинг очилиши бизга жуда қўл келди. Ишдан уйга қайтаётган вақтимда рўзғор учун керакли маҳсулот ва буюмларни қийналмасдан ана шу савдо шахобчасидан харид қиладиган бўлдим. Бу фақат менгагина эмас, массив аҳолисига ҳам қулайлик яратди. Мана ўзингиз кўриб турибсиз. Магазин атрофининг ўзида уч-тўртта тўққиз қаватли турар жой биноси қад кўтармоқда.

**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.**

**СУРАТЛАРДА: янги савдо шахобчасида.**

**Т. Каримов фотолари.**

